



Сарлавхани бекорга шундай деб кўймадик. Бугунги кунда телефон ёки интернет деган мўъжизалар кенг таркалиб, инсон калбидаги меҳрни ўзида акс эттира оладиган мактуб ёзиш унтуила бошланди. Техника тараккиётини инкор этиш мумкин эмас. Аммо бу тараккиёт бир одамга хос хис-туйгуларни иккинчи бир кишига етказишга ожизлик килади.

Бугунни телефонсиз, комп’ютерсиз тасаввур кила олмаймиз. Уйимиздаги ёки ишхонамиздаги телефон бир кун ишламай колса, нимадир йўқотган одамдай гангид юрамиз. Илгари ўкишга ёки харбий хизматга кетган ёшлар кунда бўлмаса хам хафтада бир марта ота-оналарига, дўстларига ёки севгилиларига мактуб йўллаб турғанлар. Жавоб хатини интизорлик билан куттганлар. Энди эса телефонга югурадилар. Хазил тарикасида айтсак, охирги пулларини телефонга сарфлайдилар-да, ота-оналарига пуллари тугаб колганини маълум киладилар. Ёки шунга ўхшаш бирор нима сўрайдилар. Телефоннинг совук симлари фарзанднинг ота-онага меҳрини етказиб бера олмайди. Ошикнинг маъшукасига бўлган севги оташини хам етказишга ожиз. Бу вазифани ок когоз ва калам уddeлайди. Гарчи когозга тушадиган харфлар хам совукдай туюлса-да, бу хафларда меҳр олови мавжуд. Бу олов тафтини мактуб ўкиётган одам хис килиб туради. “Ассалому алайкум, отажон, онажон! Сог-саломатмисиз? Менинг ўкишларим яхши. Факат сизларни жуда согиндим...” Ота-онанинг калбига фарзанднинг олам-олам меҳр-мухаббати окиб кириши учун шу бир неча сатр кифоя. Аммо... афсус шуки, шу бир неча сатрни ёзишга кунт килмаймиз, фаросатимиз етмайди... Байрамлар ўтади, мактуб йўлламаймиз. Тугилган кунлар ўтади, мактуб ёзишга токатимиз йўк... Нима бу? Калбимиздаги меҳр булоги куриб боряптими? Аллоҳ сакласин!

Мазкур сатрларни ўзингизга атаб ёзилган очик хат, деб кабул килинг ва охирги марта кимга, качон хат ёзганингизни эслаб кўринг. Орамизда хаёти давомида бирон марта мактуб ёзмаганлар хам бор. Азизлар, бир неча дақика кундалик ташвишларни четга кўйинг-да, когоз ва калам олиб якинларингиздан бирига хат ўзинг. Орамизда бошкалардан хат олса-да, жавоб кайтармаганлар хам бор. Азизлар, сиз хам жавоб ёзиб мушток кўнгилларга кувонч юборинг.

Бадиий адабиётда гўзал мактублар намунаси мавжуд. Шулардан иккисини эътиборингизга хавола этамиз. Кайси асардан эканини ўзингиз аникларсиз. Бу мактублар сизларга намуна сифатида хизмат килади.

## Тохир Малик

“Вафосизга. Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзаман. Негаки, хозирда маним ёлгизгина кўз ёшларимгина эмас, бутун борлигим сиёхдир. Мен энди оғизлардаги “вафо” сўзига ишонмайман. Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонганим йигитдан улуг вафосизлик кўрдим. Уятимдан кўзларимни очолмайман Негаки, еру кўклар, тогу тошлар ва дунёдаги барча нарсалар манинг алданганим учун кулиб масхара килгандек карайдилар... Бу кунимдан, бу хасратимдан кутилиш учун мен ўзимга ажал чакираман. Лекин ажал хам мен шўрликдан нафратлангандек, гўё ул хам менга вафосизлик киладир.

Бегим, гарчи аччиглансангиз хам айтишка мажбурман: сизда виждон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан хеч гап йўқ эмиш. Билъаксиз: хийлакор бир тулки, оғзи кон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит!

Сизни хийлакор дедим: эсингизда борми, содда отамни, гўл онамни кандоллар килиб алдадингиз? Ёдингизда борми, шамъ ёнида мени алдаб айткан сўзларингиз, берган ваъдаларингиз, “маним орзум” деб килган хитобларингиз, тўккан кўз ёшларингиз?.. Бас, бу хийлалар, бу макрлар сиздан бошка кимда топилсин?

Сизни оғзи кон бир бўри дедим: чунки сизда раҳм йўқ. Сиз ўзингизнинг захарлик тишларингиз билан мазлумлар кўксини, баёвлар багрини чок этасиз; янги очилган гулларни, энди бosh тоqtan лолаларни вактсиз сўлдирасиз, очилиб битмай ўлдирасиз!

Сизни уятсиз дедим: илгари вахшатингиз билан ўзингизнинг хаккингиз битканлигини билатуриб хам яна уялмай-кизармай виждонсизлар амрини берасиз ва уятсизлигингизни яна бир кат ортдирасиз!

Мен сизнинг баъзи бир даъволарингизга хайрон коламан: отам Тошкандда экан чогида бу гапни айтишка уялган эмишсиз... Гўё бунинг ила номуслик бўлиб кўринмакчисиз шекилли?!

Онам баъзи вактларда:

Янги ёр топканда дўстлар, эскидан кечмок керак,  
Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмок керак,  
байтини ўкуб кўяр, мен бўлсам ул вактларда бунинг маъносига тушунмас эдим. Аммо...  
энди бу байтни кимга айтилганига ва унинг маъноларига хўб  
тушунмакдаман. Ташландикликнинг сўнг ўтинчи килиб сиздан шуни сўрайман: учунчи ёр  
топканда иккинчи бечорага хам шундай уятсизлик килинмаса эди. Бу тилагим учун  
ажабланмангиз, чунки, “пичокни ўзингга ур, огриласа ўзгага сол”, дейдирлар.

Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг курбони бўлиш муборак. Кумуш эмас, Тупрокбиби ёздим 17 жавзо, 1265 йил, Маргилон.”

\*\*\*

“Умидим юлдузи, орзум чечаги, хаётим тираги Кумушимга!

Киноя ва аччиглар билан тўлик бўлган мактубингизни олдим. Хатни ёзган чогингизда тамом бир ўт ичидা, газаб денгизида сузганлигингиз гавдаланиб кўз ўнгимдан ўтдилар. Ўтдиларгина эмас, хатто менга шунчалик таъсир этдиларким, гўё маликасининг газабига учраган кул кай даражада эс-хушидан айрилса, килар ишидан, ўйлар ўйидан янглишса,

манинг-да хозирги холим бунинг юз даража юкорисига етди. Тўгриси, захар олуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим ва тушунишка хам лузум кўрмадим, чунки газаб устида айтилган сўзлар аклии кишиларча лойики мухокама ва мутолаа бўлолмас. Гулхандан сўнг алана хисобини хеч бир вактда олинмас. Лекин мактубингизнинг бир ўрнига нима маъно бериш учун тамоман ожиз колдим: “Илгари сўзингиз билан ўзингизнинг хаккингиз билатуриб хам яна уялмай, кизармай виждансизлар амрини бериб кўясиз-да, уятсизлигингизни яна бир кат оширасиз...” ва “Отам Тошканда экан кезда бу гапни айтишка уялган эмишсиз”, “гўё бунинг билан номуслик, уятчан бир йигит бўлиб кўринмакчисиз шекиллик?!”

Бу сўзларингиз билан нима демакчи бўласиз, танингиз согми? Дуруст, мен отангизга бирга кеталмаслигимни, чарларни уч-тўрт кун кутиб колишими бир неча вакт айталмай юрдим ва нихоят, отангиз кетишка рухсат сўрай бошлагач, отам оркалик узримни айттиридим, бас, бунда кандай уятсизлик бўлсин, гумонимча иситмангиз каттиг ушлаган кўринадир ва бу телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзгон ўхтайсиз.

Мактубни иситма орасида ёзганингизга тамоман каноат килдим. Шунинг учун сизни айблашка хакким йўк, хам сиз маъзурсиз. Бу киноя ва захарлик мактубни ёзишка сизни мажбур эткан, мени хийлакор тулки, оғзи кон бўри, уятсиз йигит... ва тагин алла канча мартабаларга миндирилишларимнинг бош омили албатта отангиздан хам эшиткан бўлсангиз керак, шу кунгача чарлар балоси билан туткун бўлишим орзу-хавас кайнин отасининг оғриб ётиш шумлигидир. Нихоят, сизнинг аччиг хатингиз баракасида бу кун чарлар хабари хам келиб колди. Сиз манинг бу хатимни ўкуб гунохларимни ярлакаб турган кезларингизда, албатта ман Маргилон йўлида бўлсам керак. Онангизнинг ўкуйтирган байти манинг шаънимга тамоман тескари, чунки ота-она орзуси хеч вакт янги ёрлик вазифасини ўтай олмас ва хамиша бошкаларнинг орзу-хаваси бўлиб кола берар. Сиз ўзингизни тупрок билан тенглашдирмакчи бўлгансиз, лекин ман хозир Кумушка хам каноатланмай Олтинбиби деб атамок фикрига тушдим... Борлигим мухаббатингиз алангаси билан туташкани холда завжангиз: Отабек 26 жавзо, 1265 йил. Тошканд.”